ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

"Тасдиқланди"
Ўқув ишлар бўйича проректор
_____ проф. Ш.А. Боймуратов
" 29 " июнь 2019 йил

ТИББИЁТДА ХОРИЖИЙ ТИЛ ФАНИНИНГ ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Таълим соҳаси: 510000 - Соғликни сақлаш

Таълим йуналишлари: 5510100 - Даволаш иши
5511000- Тиббий педагогика иши
5510300 - Тиббий - профилактика иши
5510900 -Тиббий-биология иши

3 - курс

Даволаш факультети	**Тиббий педагогика**	**Тиб.биология**
Тиб.профилактика		
Умумий соати: 28 соат Амалий машғулот:18 соат	**Умумий** :18 соат Амалий машғулот: 18 соат	**Умумий**: 98 соат Амалий машғулот: 18 соат
1-семестр: 18 соат Мустақил иш: 10 соат	1-семестр: 18 соат Мустақил иш: 8 соат	1-семестр: 18 соат Мустақил иш: 6 соат

ТОШКЕНТ 2019

Фаннинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2017 _йил " 22 " августдаги № 474 - сонли буйруқнинг 3 - иловаси билан тасдиқланган "Тиббиётда хорижий тил" намунавий дастури асосида тайёрланган.

Фаннинг ишчи ўқув дастури ТТА илмий кенгашида муҳокама этилган ва тасдиқланган (2019 йил "26" июнь "11"- сонли баённома)

ТУЗУВЧИ:

Ташметова Г.Ш. - " Тиллар" кафедрасининг катта ўқитувчиси

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Маматов А.М. - Ўз ДЖТУ проф., фил.фан.доктори
Абдуллаева Р.М. – ТТА доц., ф.ф.н.

Ишчи дастур фаннинг ўқув дастури ўқув режа асосида Тошкент Тиббиёт Академиясининг 3 - курс барча факультетлари учун тузилган.

ТТА, ОМХ факультети декани Проф. Ш.Х.Бакиева

Тиллар кафедраси мудири Доц. Р.М.Абдуллаева

Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи Ш.С.Массавиров

1. Ўқув фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар

Глобаллашув ва халқаро алоқаларнинг илмий, техник ва маданий соҳадаги улкан тараққиёти инсон фаолиятининг барча соҳаларига, шу жумладан, тиббиёт соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатиши шубҳасиздир. Тиббиёт мутахассислари учун хорижий тилларни мукаммал эгаллаш мамлакат тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур соҳа мутахассисларини олий таълимда чет тиллари бўйича билимларни мустаҳкамлаш ҳамда бу борада маҳорат ва кўникмаларини шакллантириш Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта таълим давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 1999 йил 16 августдаги 390-сон ва "Ўрта махсус таълим давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 2000 йил 16 октябрдаги 400-сон қарорлари ҳамда бошқа тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Мазкур дастур чет тилларига ўқитиш жараёнининг турли босқичларида ихтисослик йўналиши, билим даражаси ва касбий эҳтиёжи каби хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиб, ўқув якунида олий таълим муассасасининг бакалавриат босқичи битирувчилари учун чет тилларини ўзлаштиришнинг CEFR (Common European Framework of Reference) - Умумевропа халқаро стандартлари даражаларини инобатга олинган тизими доирасидаги B2 - чет тилини ўрганишнинг мустақил мулоқот даражасининг эгалланиши кўзда тутилган. Кўрсатилган стандартлар асосида чет тиллари бўйича тиббиёт таълим муассаси хусусиятларига эътибор берган ҳолда янги дастур ва календар-тематик режалар тузилиши, янги адабиётлар киритилиши ва мунтазам равишда такомиллаштириб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Фанннинг мақсади - бугунги илм ва фан тараққиёти шароитида тиббиёт йўналишидаги олий таълимнинг бакалаврият босқичида тиббиётда хорижий тилини ўқитиш доирасида ўрганувчиларнинг кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб боришлари учун чет тилида коммуникатив компетенцияларини шакллантиришдан иборат. Бунда лингвистик, социолингвистик, прагматик компетенцияларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ўрганувчиларнинг тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилини эгаллаши назарда тутилади.

Фаннинг асосий вазифаси - соҳа бўйича чет тилларини ўрганишни янада ривожлантириш, талабаларнинг мазкур йўналишдаги билимларини халқаро стандартларга мувофиқ равишда эгаллашини таъминлаш, чет тилида мустақил ўқиш ҳамда тиббий матнларни тушуниш, танланган мутахассислик бўйича илмий адабиётлардан олинган маълумотларни тушуна олишни ўзида мужассамлаштирган.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг чет тиллари бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар”[1] га мувофиқ, олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари бакалавриат босқичи талабалари (ОТМда ўқув курси бошланишида В1 даражага эга бўлган ҳолда) ўқиш якунида чет тили бўйича В2 даражани эгаллашлари лозим. Унга кўра битирувчи талабалар мазкур даражани таъминловчи тегишли коммуникатив компетенцияларни эгаллашлари, яъни ўрганилаётган чет тили бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилиятига эга бўлишлари лозим. Бунда олий таълим бўйича нутқ кўникма ва малакаларининг грамматик, лексик, фонетик ва орфографик кўрсаткичларининг таълим мазмунига мувофиқ равишда мослаштирилиши ва соҳа бўйича чет тилларни билишнинг умумевропа тизимига мувофиқ, улар содда ва тушунарли шаклда берилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Асосий қисм

Умумий босқич

Босқичнинг асосий мақсади:

-узлуксиз таълим тизимининг аввалги босқичлари (умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари)да талабалар хорижий тилда эгаллаган малака ва кўникмаларини коррекция қилиш ва тенглаштириш;

-талабаларни нутқ фаолияти турлари бўйича касбий мулоқотга тайёрлаш.

<u>Тинглаш</u>:

- маъруза, тақдимот ва мунозаралар, радио ва телевидение эшиттиришлари, янгиликлар, интервьюлар, ҳужжатли фильм ва шу каби оғзаки матнлар;
- реклама ва эълонлар;
- тил соҳиблари нутқ ёзувлари (бадиий, ҳужжатли фильмлар, оммавий чиқиш ва ҳоказо);
- тил соҳибларининг ижтимоий мавзулардаги ўзаро суҳбати;
- тингланган ахборотнинг асосий мақсади, тўлиқ мазмунини тинглаб тушуниш малака ва кўникмаларини ривожлантириш.

<u>Гапириш:</u>

Диалогик нутқ

- ижтимоий мавзуларда суҳбат ва норасмий диалог;
- касбий ёки бошқа мавзуларда расмий ва норасмий мунозаралар;
- мунозарани бошқариш, интервью, музокаралар ва телефон орқали мулоқот олиб бориш.

Монологик нутқ

- ихтисосликка оид мавзуларда маъруза тайёрлаш ва ўқиш;

---

[1] Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон қарорига 1-Илова. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 20 май, 20-сон, 251-модда

- мунозара, далил ва исботларни олға суриш, фикрни асослаб бериш;
- реклама ва махсус мавзуларда тақдимот тайёрлаш ҳамда чиқиш қилиш;
- маълумотларни умумлаштириш, мақолалар ёзиш, муҳокама қилиш.

Ўқиш:

- танишув ўқиш, кўз югуртириб ўқиш ва синчиклаб ўқиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- хат-хабар, ёзишмалар ва электрон почтани ўқиш;
- махсус материалларни ўзида акс эттирган аутентик матнларни ўқиш;
- махсус сўз ва терминларга эга матнларни, илмий ва касбга оид адабиётларни, электрон манбалар ва матбуот материалларини ўқиш.

Ёзув:

- турли ёзишмалар, хат-хабарлар ва махсус докладлар (эслатма, CV ва ҳоказо) ёзиш;
- эссе, баён, резюме, тадқиқот иши (мақолалар, битирув малакавий ишлар) ёзиш.

Нутқ мавзулари

Нутқ мавзулари бўйича олиб бориладиган ишларнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- узлуксиз таълим тизимининг аввалги босқичларида талабалар чет тилида эгаллаган малака ва кўникмаларини мустаҳкамлаш;

- талабаларни нутқ фаолияти турлари бўйича касбий мулоқотга тайёрлаш.

Нутқ мавзулари тиббиёт йўналишидаги таълим соҳалари доирасида, фаннинг асосий талабларига мослаштирилган ҳолда тузилади:

1. **Ижтимоий мавзу** (атроф-муҳит, маиший ва касбий йўналишда ижтимоий муносабат).
2. **Таълим мавзуси (**ўқув муассасаси, ўқув қуроллари ва унга муносабат, ихтисослик фанларининг ҳозирда ўқитилиши ва ҳоказо **).**
3. **Ижтимоий-маданий мавзу** (Ўзбекистон Республикаси ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихий, географик, иқлимий, маданий, маиший хусусиятлари).
4. **Касбга йўналтирилган мавзу (**ўрганилаётган ихтисослик тарихи, йўналишлари, соҳанинг буюк намояндалари, долзарб муаммолари, касбий этика ва ҳоказо)

3. Асосий қисм

Амалий машғулотлар

№	Theme	Hours
1.	**Unit 1.Emergency medicine /Oxford English for careers. Medicine 2/** p 4-11 **Listening** 1, p.4. **Reading:** John Rhys.p8	2
2.	**Unit 2. Accidents. p12-19** **Listening** 1, p13. **Reading:** Matthew Jenkins-radiologist.p15	2

3.	**Unit 2. Accidents p12-19** **Listening** 2, p18. **Reading:** Accidents. p17	2
4.	**Unit 3. Sports medicine.p20-27** **Listening** 1, p20. **Reading:** Physical fitness and health.p24	2
5.	**Unit 4. Obstetrics.**p28-35 **Listening** 1,p28. **Reading:** Mary Knox-NCT teacher.p32	2
6.	**Unit 5.** Psychiatry.p36-43 **Listening** 1,p37. **Reading:** The changing face of depression.p40	2
7.	**Unit 6.** Geriatrics.p44-51 **Listening** 1,p44. **Reading:** Rehabilitation.p47	2
8.	**Unit 6.** Geriatrics. p44-51 **Listening 2**,p48. **Writing:** A short essay.p51	2
9.	**Revision**	2
	Total	18 h.

5. Мустақил таълимни ташкил этишнинг мазмуни ва шакли

Мустақил таълим деганда талабаларнинг тилларни эгаллаш бўйича ўзлаштирган билим, кўникма ва малака даражаларига қўшимча равишда уларнинг билимларини сезиларли орттириш мақсадида олиб бориладиган фаолият тушунилади. Мустақил таълимнинг топшириқ ва вазифалари фанни ўқитишга қўйиладиган талаблар ҳамда таълим мазмунига мувофиқ равишда ишлаб чиқилади. Чет тили фани бўйича мустақил таълимнинг асосий мақсади касбий мулоқот маданиятини шакллантириш, коммуникатив компетенцияни ривожлантириш, соҳа бўйича ижодий фаолиятни ўстириш ҳамда чет тилида мустақил ишлай олиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантиришдан иборат. Мустақил таълимни шакллантиришда таълим ва билим олиш манбалари, ахборот-ресурс марказлари, мультимедия ресурслари, компьютерлар ва мобиль ускуналар, видео ва аудио ресурслар каби воситалардан фойдаланган ҳолда, Интернет, чет тилида ўқув ва бадиий адабиётлар, ихтисослаштирилган илмий адабиётлар, газеталар, журналлар ва бошқа манбалардан кенг фойдаланилади. Шу билан бирга, чет тили фани ўқитилаётган кафедралар қошидаги клуб ва тўгараклар мазкур фаолиятнинг ажралмас қисми шаклида юритилиши мақсадга мувофиқдир.

6.ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИ МАВЗУЛАРИ

№	Мавзулар номи	Мустақил таълим		
		Даволаш Тиб.проф.	Касбий таълим	Тиб. биология
	1- семестр			

1	***World health organizations***	2	2	2
2	**Health science centres (world health laboratories)**	2	2	2
3	***Health care providers***	2	2	2
4	***Sport medicine***	2	2	2
5	***Artificial organs***	2		
	Total	**10с**	**8с**	**8с**

7.Фан бўйича курс иши режалаштирилмаган
8.Вақт тақсимоти

Чет тилларини ўзлаштиришнинг ўқиш, ёзиш, тинглаш ва гапириш компетенциялари бўйича малака ва кўникмаларни эгаллашни баҳолаш қуйидагича тақсимланиши тақдим этилади:

***Гапириш* – 30%**
***Тинглаш* – 25%**
***Ўқиш* – 25%**
***Ёзиш* – 20%**

Тиллар кафедрасида Тиббиётда хорижий тил фанидан амалий машғулотларини жорий баҳолаш (ЖБ)

№	Ўқиш ва ёзиш (reading & writing)	Максимал балл,%	Гапириш ва тинглаш (speaking & listening)	Максимал балл,%
1.	Мавзу бўйича матнни ўқиб таржима килиш	**20**	Мавзу бўйича матнни гапириш	**20**
2.	Мавзу бўйича грамматик машклар бажариш	**10**	Мавзу бўйича тиббий терминологияни ёддан айтиш	**10**
3.	Тарқатма материаллар (handouts)устида ишлаш	**10**	Қўшимча матнни тинглаш ва устида ишлаш	**15**

4.	Мавзу бўйича ТМИ топшириғини бажариш	**5**	Олинган натижаларни асослаш	**10**
		45		**55**
	Жами	**100**		

9. Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш мезонлари

“Тиббиётда хорижий тил” фани бўйича рейтинг жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларининг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади. 3 курс даво-лаш,тиббий педагогика, тиббий профилактика ва тиббий биология факульте-тида “Тиббиётда хорижий тил” фанидан ўқув режа бўйича академик соатнинг умумий 28 соат булгани учун оралиқ назорат ўтказилмайди ва курс сўнгида Якуний Давлат Аттестацияси ўтказилади.

Талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- талаба мустақил иши (ТМИ);
- якуний баҳолаш (ЯБ)

Талабалар билимини баҳолашда қуйидаги мезонлар инобатга олинади:

№	Ўзлаштириш (%)балларда	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
1.	86,0-100%	Аъло	Ўқиш 1.Лексик минимумларни эркин ўқиш ва тўғри таржима қилиш. 2.Берилган матн мазмунини тўлиқ тушуниш. 3.Матн асосида берилган вазифаларни тўлик бажариш. Гапириш 1.Талаба гапирилаётган мавзу бўйича тўлиқ маълумот бера олиши. 2.Нутқни режалаштира олади, мавзу бўйича кириш, асосий қисм ва хулоса билдира олади. 3.Талаффузда хатосиз гапириш. 4.Гапириш тезлиги етарли даражада (2 дақиқада нон-стоп услубида тўлиқ маълумот бера олиш). 5.Нутқ маданиятини шакллантира олиш. 6.Гапиришда мураккаб гаплардан фойдалана олиш. 7.Мавзу бўйича ўз фикрини чет тилида эркин баён эта олиш. 8.Ўқитувчи билан чет тилида эркин муомала қилиш. 9.Сўз бойлиги мукаммал.

			Тинглаш ва ёзиш 1.Касбга йўналтирилган аутентик материални икки марта эшитиб, асосий мазмуниини тўлик тушуна олиш. 2. Касбга йуналтирилган аутентик материалдаги мутахассисликка оид терминларни тўлик тушуна олиш. 3. Берилган аудио матнни тинглаб, унинг асосида ёзма топшириқни тўлиқ бажариш 4. Тингланган матн асосидаги ёзма ишни бажаришда ижодий ёндашув.
2.	71,0-85,0%	Яхши	Ўқиш 1.Лексик минимумларни тўғри ўқиш ва таржима қилиш. 2.Берилган матн мазмунида 2-4та хатоликларга йўл қўйиш. 3.Матн асосида берилган вазифаларни бажаришда айрим хатоликларга йўл қўйиш. Гапириш 1.Талаба гапираётган мавзу бўйича тўлиқ маълумот бериш, лекин фикрини содда гаплар билан баён этиш. 2.Нутқни режалаштириш, мавзу бўйича кириш, асосий қисм ва хулоса билдиришда қисман хатога йўл қўйиш. 3.Талаффузда қисман қийналиш. 4.Гапириш тезлиги яхши, лекин мукаммал даражада эмас. 2 дақиқада ўз фикрини тўхтовсиз ва равон баён эта олмайди. 5.Нутқ маданияти шаклланган, амма қисман камчиликларга эга. 6.Ўқитувчи билан чет тилида муомала қила билиш. Тинглаш ва ёзиш 1.Касбга йўналтирилган аутентик материални икки марта эшитиб, асосий мазмунини тушуниш. 2. Касбга йуналтирилган аутентик материалдаги мутахассисликка оид терминларни тушуна олиш. 3. Берилган аудио матнни тинглаб, унинг асосида ёзма топшириқни 2-4 хатолик билан бажариш
3.	56.0-70,0%	Коникарли	Ўқиш 1.Лексик минимумларни ўқий олиш ва 5-8 хатолик билан таржима қилиш. 2.Берилган матн мазмунини 5-8 хатоликларга йўл қўйиб, тушуниш; 3) Матн асосида берилган вазифаларни қониқарли бажариш Гапириш 1.Талаба гапираётган мавзу бўйича тўлиқ маълумот бермайди. Ўз фикрини чет тилида эркин баён эта олмайди. 2.Гап тузаётганда гапнинг сўз тартибига риоя қилмайди. 3.Талаффузида хатолар кўп. 4.Гапириш тезлиги суст. 5.Нутқ маданияти суст. 6.Сўз бойлиги етарли эмас. Тинглаш ва ёзиш 1.Касбга йўналтирилган аутентик материални икки марта эшитиб, асосий мазмунини тўлиқ тушунмайди.

			2. Касбга йуналтирилган аутентик материалдаги мутахассисликка оид терминларни қисман тушунади. 3. Берилган аудио матнни тинглаб, унинг асосида ёзма топшириқни бажаришда 5-8 хатоликка йўл қўяди.
4.	55% дан паст	Коникарсиз	Ўқиш 1.Лексик минимумларни ўқий олмайди. 2.Берилган матн мазмунини тушунмайди. 3.Матн асосида берилган вазифаларни бажара олмайди. Гапириш 1.Талаба гапираётган мавзу бўйича умуман маълумот бермайди. Ўз фикрини чет тилида умуман баён эта олмайди. 2.Нутқни режалаштира олмайди, гап туза олмайди. 3.Ўқитувчи билан чет тилида мулоқот қила олмайди. Тинглаш ва ёзиш 1.Касбга йўналтирилган аутентик материални икки марта эшитиб, асосий мазмунини умуман тушунмайди. 2. Касбга йўналтирилган аутентик материалдаги мутахассисликка оид терминларни тушунмайди. 3. Берилган аудио матнни тинглаб, унинг асосида ёзма топшириқни бажаролмайди.

Фан бўйича талабанинг семестр (ўқув йили) давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади.

Ушбу 100 балл баҳолаш турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

№	Бахолаш тури	Максимал балл	Коэффициент
1.	Аудиториядаги ўқув машғулотларни бахолаш+ТМИ	70	0,7
2.	Якуний баҳолаш	30	0,3
	ЖАМИ	100	1

10. Якуний қоидалар

Чет тилларга ўқитиш замонавий таълимнинг педагогика, психология, ахборот коммуникацион технологиялари ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий ва ихтисослик фанларига таянган ҳолда зарур билимлар, кўникма ва малакаларни эгаллашга қаратилган. Бунда коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг лингвистик, социолингвистик, прагматик, ижтимоий-лингвистик ва бошқа турдаги компетенцияларнинг ўқув жараёнига интеграциялашувини ривожлантириш чет тилларини эгаллашнинг етарли даражасини эгаллашнинг самарасини таъминлайди.

Мазкур дастур чет тилларига ўқитишнинг тиббиёт соҳасида чет тилларига ўқитишда барча усуллар ва самарали механизмларни қўллаш асосида фанни ўзлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган экан, олий таълим муассасаларининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, чет тилларини

ўқитишга қаратилган ислоҳот ва янгиланишлар, тиббиёт соҳаларининг ривожланиш динамикаси каби хусусиятларга эътибор қаратишни тақозо этади. Шу асосда дастурнинг асосий талабларига мувофиқ равишда, олий таълим муассасида чет тиллари ўқитилаётган кафедралар томонидан белгиланган тартибда фанга ўқитиш жараёнида 10 % гача айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин.

11. Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Medicine Oxford English for Careers. Sam Mc Carter. Oxford University Press. 2009 y.
2. Учебник английского языка для медицинских вузов. Маслова А.М. и др., М., 2017
3. Инглиз тили. Л.Ходжаева. Т., 2005
4. Английский язык. В.Н.Ковтуненко, Л.Х.Базарова. Т., 2010.

Қўшимча адабиётлар

1. Englis for careers. Medicine 1.Sam McCarter.Oxford. 2016.
2. English in Medicine. Eric H.Glendinning. Cambridge University press. 2005.
3. Even More True Stories. Oxford university press. 2010.
4. Self-study manual for residents of medical institute. Kamilova M.Sh.,Aymetova H.D., Nabieva D.R. Tashkent, 2011.
5. Teen Health, Mary Bronson Merki. PhD.,1990.
6. English manual for Higher Nursing Care, Kamilova M.Sh., Guzacheva N.I.
7. Even More True Stories. Sandra Heyer. Oxford.2011.
8. New Inside Out. McMillan, 2014.
9. Straight Forward. Oxford University, 2011.
10. М.Н.Исраилова, М.И.Абидова Лотин– Юнон- Рус- Инглиз- Ўзбек тилларида тиббий луғат. ТДСИ, 2016
11. М.И.Абидова, Н.Ж.Мирзаева, Н.П.Есбосынова Инглизча-узбекча ва инглизча-русча тиббий луғат.ТДСИ.2017
12. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т-2017
13. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон. 2008.

Интернет манбалар

1. British Council web site: http/www.britishcouncil.com
2. Web site for English teachers: http/www.onestopenglish.com
3. Web site for teaching material in English: http/www.macmillanenglish.com
4. English language course books. http/www.oup.com/elt.com
5. Teaching English CLIL http/www.teachingenglish.org.uk.train
6. Web site for English Teachers of Uzbekistan. http/www.uztea.uz
7. http://iteslj.org/
8. http://iteslj.org/Techniques/Yang-Writing.html
9. http://iteslj.org/Techniques/Ross-ListeningComprehension.html
10. http://www.teachingenglish.org.uk/think/articles/listening

11. http://www.usc.edu/dept/education/CMMR/CMMR_BTSA_home.html#Resources_BeginningTeachers
12. http://www.teachermentors.com/MCenter%20Site/BegTchrNeeds.html
13. http://www.inspiringteachers.com/
14. http://teachnet.org/ntpi/research/prep/Cooper/http://www.alt-teachercert.org/Mentoring.html
15. www.examenglish.com
16. http://www.education.gouv.fr/
17. http://www.educnet.education.fr/